



МУСОХОНХОЖА ДАХБИДИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Юлдашходжаев Ҳайдар Ҳашимханович

Янги аср университети доценти, тарих фанлари номзоди

+99893-398-35-96 haydarxon69@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Мусохон Дахбидийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, илмий мероси, хусусан, унинг асарларида илгари сурилган ғоялар ва қарашлар таҳлил қилинган. Мақолада, шунингдек, Мусохон Дахбидий асарларининг Нақшбандия-мужаддиция тариқати тарихини ўрганишдаги аҳамияти хусусида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: Тасаввуф, Тавҳид, тарих, тариқат, Нақшбандия-Мужаддиция, силсила, Дахбедий, кўлёзма, ижтимоий ҳаёт

Аннотация: В данной статье речь идет о жизни и научной деятельности Мусахана Дахбиди, также о его научное наследие, в частности, об идеях и взглядов, изложенных в его работах. В статье также акцентируется внимание на значении трудов Мусахана Дахбиди в изучении истории суфийского ордена Нақшбандия-Муджаддиция.

Ключевые слова: История, Суфизм, тавхид, тариқат, Нақшбандия-Муджаддиция, силсила, Дахбеди, рукопись, общественная жизнь.

Annotation: This article discusses the life and scientific work of Musakhan Dahbidi, as well as his scientific legacy, in particular, the ideas and views set forth in his works. The article also focuses on the importance of Musakhan Dahbidi's works in studying the history of the Naqshbandi-Mujaddidi Sufi order.

Key words: History, Sufism, Tawhid, Tariqat, Naqshbandi-Mujaddidia, silsila, Dahbedi, manuscript, social life

КИРИШ

Мусохон Дахбидийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган “Тарихи Хумулий” ва “Тазкирайи Мажзуби Намангоний” асарларида мутасаввифнинг илмий изланишлари ва сафарлари ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар мавжуд. Хусусан, Дахбидийнинг Қўқон, Наманган, Косонсой ва Марғилонга қилган сафарлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

“Тазкирайи Мажзуби Намангоний” асарида асосий эътибор Нақшбандия-Мужаддиция сулукининг назариётчиси ва пири муршиди Мусохон Дахбидий шахси ва фаолиятига қаратилади. Муаллиф унда Мусохон Дахбидий, унинг устозлари, замондошлари ҳамда шогирдлари ҳақида батафсил маълумот беришни ўз олдига

мақсад қилиб қўяди. Бироқ бой тарихий маълумотларга эга ушбу асар ҳозиргача ҳам мутахассислар эътиборидан қолиб келмоқда. Умуман олганда, Мажзуб Намангонийнинг ижоди ва фаолияти ҳозиргача етарлича илмий тадқиқот доирасига жалб этилмаган. Зеро, етук шоир, тарихчи сифатида Мажзубнинг ижоди XVII–XVIII ижтимоий-сиёсий ва адабий муҳитини баҳолашда, шубҳасиз, муҳим ўрин тутати.

Биз мазкур тадқиқотимизда, аввало, Мусохонхожа Даҳбидий тўғрисида маълумотлар битилган манбалар асосида Хожагон-Нақшбандия-Мужаддия силсиласини аниқлашга уриндик.⁴⁸⁹ Бу борада шу пайтгача айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Ж. Авлиёхон, К. Каттаев, проф. Б. Тўраев, Н.Жабборов, А. Жуманазаровлар тадқиқотлари шулар жумласидадир.

Мусохон Даҳбидий вафот этган санани Хумулий 1776/1191 йил деб кўрсатади. Унинг ўзи ҳам Нақшбандия-Мужаддия тариқатининг вакили бўлгани учун Мусохон Даҳбидийни пир деб билган ва унинг вафотидан таъсирланиб, бир неча марсиялар битган:

К-ў Сулаймоне ки тахташ курсийи иршод буд,
Аз замин то осмон ҳукмаш равон чун бод буд.
Мазраи Даҳбидиён сабз аз саҳоби дасти у,
Сарви ин гулшан зи бори бебари озод буд.

Маъноси: у шундай Сулаймонки (унинг) тахти иршод (ҳидоят) курсиси эди, ердан осмонгача (унинг) ҳукми жорий эди. Даҳбидийларнинг экинзорлари (унинг) қўлининг булутидан ям-яшил эди. Бу гулшаннинг гули мевасизлик юкидан озод эди (Ҳ.Ю).

Мусохон Даҳбидий Самарқандда туриб, ушбу сулукка ўн саккиз йилдан кўпроқ вақт давомида раҳбарлик қилади. Унинг фаолият доираси бутун Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ўлкаларини ўз ичига қамраб олган эди. Даҳбидий жуда кўп вилоятларга бир неча бор сафар қилиб, у ерларнинг аҳолиси ўртасида, аввало, ислом динини, қолаверса, тасаввуф таълимотини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Уларни ягона ғоя атрофига бирлаштириш ва бу билан миллий

⁴⁸⁹ Фанда шажара, силсила, насабнома каби талаффузи турлича, зоҳирий мазмуни ҳам бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган сўзлар мавжуд. Аммо кишилиқ жамиятининг тарихий ривожланиши жараёнида улар ўзаро яқинлашиб, мазмунида муштараклик хусусиятлари пайдо бўлди. Бу учала сўз ҳам арабийдир. Шажара – ўзбек тилида дарахт, силсила – занжир маъноларини англатади. Насабнома эса арабий ва форсий сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган. Яъни насаб – наслиқ келиб чиқишини ифодаласа, нома – битик мазмунини билдиради.

Уларнинг тарихий ривожланиш жараёнидаги умумий мазмуни - бирорта сулола ё ижтимоий ҳаётдаги бирор мактабнинг муайян давр оралиғидаги давомийлигини англатишидир. Бу борада уларнинг маъноси ўзаро яқин бўлса-да, ушбу мазмунни ифодалаш даражаси турличадир.

Шажара – асосан ҳукмдор, саййидлар (Расуллуллоҳ авлодлари) ё машҳур тарихий шахсларнинг наслиқ келиб чиқишини кўрсатади. У айрим ҳолларда алоҳида ҳужжат шаклида мавжуд бўлади. Насл – насабнинг бу хилда ифода этилишини алломалар дарахтга (шажарага) ўхшатишган.

Насабнома – шажара каби маънони англатса-да, у кейинчалик китоб тарзида берила бошланган ва кўпроқ шажаралар тўпламига ўхшаб кетади.

тарқоқлик, худудий урушларга чек қўйиш чора-тадбирларини излаган. У 1776 йили Даҳбидда вафот этди ва Махдуми Аъзам қабристонига дафн қилинган.

Мусохон Даҳбидий қўлёзма манбаларда нафақат шайх, балки ўз даврининг етук олими сифатида ҳам тилга олинади. Унинг ёзма илмий мероси юртимиздаги энг катта қўлёзмалар жамланмаси бўлган ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланиб келмоқда. Хожагон-Нақшбандия-Мужаддиия сулукининг йирик вакили Мусохон Даҳбидийдан мерос бўлиб қолган ушбу асарлар, асосан, тасаввуф тарихи ва унинг масалаларига бағишланган бўлиб, уларда Нақшбандия-Мужаддиия тариқатининг ўзига хос томонларини илмий нуқтаи назардан тартибга солиш, шунингдек, эътиқод, маърифат, тавҳид, ҳақиқат каби сўфиёна истилоҳларни батафсил таҳлил қилишга эътибор қаратилади.

Тадқиқотимизда Мусохонхожа Даҳбидийнинг асарлари қуйидагича таснифланди:

Борлиқнинг умумий масалаларига оид асарлар: “Ад-дурр ал-макнун» – **المكنون** (“Яширин гавҳар”). Мазкур асар Даҳбидий асарлари орасида ҳажм ва мазмун жиҳатидан энг эътиборлиси бўлиб, унинг қўлёзмаси ФА ШИ, Қўлёзмалар фондида 542/II рақами остида сақланади. Ушбу нусха 1218/1803 йилда насталиқ хатида кўчирилган, 101 варақ (209^a–309^b). Ушбу асарни ўрганиш бўйича олиб борилган чуқур ва ҳар томонлама таҳлилга асосланиб айтиш мумкинки, у – Мусохон Даҳбидий ижодининг хулосаси ёки ганжинасидир.

Асар анъанавий ҳамд ва наът билан бошланади. Муаллифнинг мақсади, ўзининг таъбири билан айтганда, “*толибларни тариқат маъданининг жавоҳирларидан баҳраманд қилиш*”дир. Шу боисдан китобга “ад-Дурр ал-макнун” деб ном берган. Муаллиф бу асарни ёзишдан кўзланган мақсадни қуйидагича баён этади: “Шояд, ушбу китобни кўрганларда тавҳид ҳосил бўлса ва уни билганлар тафридга восил бўлсалар. Шариат тариқатнинг пирояси, тариқат эса ҳақиқатнинг сармоясидир. Ҳақиқат бу – маърифатнинг дебочаси. Хайр ал-калаами маа қалла ва далла (– Сўзнинг яхшиси ози ва ишонарлисидир. – Ҳ.Ю.) ҳадисига риоя этиб, сўз мухтасар қилинди”.

Асар қуйидаги уч бўлимдан иборат:

1. Тавҳид, ваҳдат, саодат, шақоват, васл ва суқр (“мастлик”) тўғрисида;
2. Нақшбандия тариқатига хос зикр услуби ҳақида;
3. Ҳақиқат ва маърифат тушунчалари ҳақида.

Асарда кўтарилган энг муҳим, китобнинг моҳиятини акс эттирувчи мавзулардан бири – тавҳид масаласидир.

Муаллиф тавҳидга шариат ва тариқат нуқтаи назаридан таъриф бериб шундай дейди: “Шариатда тавҳид Ҳақ субҳонаҳу ва таолони якка ва ягона билмоқ, шунга эътиқод қилмоқ ва уни тил билан айтмоқдир, аммо тариқатда Ҳақ субҳонаҳудан бошқа барча нарсадан кўнгилни узмоқдир”.

Шунингдек, ваҳдат, иттиҳод, васл, шуқр, саодат ва шақоват атамаларини ирфоний таҳлил қилган: “Ваҳдат” Ҳақ субҳонаҳунинг борлигини тасдиқловчи илмдан

бошқа барча илмларни дилдан чиқариб ташламоқдир. “Иттиҳод” ҳазрати Ҳақ таоло борлигига мустағриқ бўлмоқдир. “Саодат” ўзлигидан халос бўлганини кўрмоқдир. “Шақоват” худбинлик ва Ҳақдан ажралиб қолмоқдир. “Васл” Ҳақ субҳонаҳу нурунинг шуҳуди билан ўзни унутишдир. “Фазл” Ҳақ субҳонаҳудан бошқа нарсадан сирни жудо қилмоқдир. “Шукр” дилда шундай бир ҳолнинг зоҳир бўлмоғики, дил уни яшира олмайди, аммо бу ҳолни яширмоқ вожиб бўлади.

“Ад-Дурр ал-макнун” асарида Мусохон Даҳбидий баён этган фикрлар ўзининг илмийлиги, мураккаблиги, теран мушоҳада қилинганлиги билан ажралиб туради.

Муаллиф тасаввуф тарихига бағишланган агиографик характердаги асарларга хос бўлган шеърӣ парча, рубоӣй ва қитъаларни асарда баён қилинган фикрларга мос равишда келтиради. Бинобарин, бундай чуқур мазмунли, нозик шеърӣй парчалар Мусохон Даҳбидийнинг етук мутасаввиф шоир ҳам эканлигидан дарак беради. Масалан:

Шеър:

Ба чи монанд кунам дар хама офоқ туро,
Дар дилам ҳар чи ки ояд, ту азон хўбтари.
Лола хонанд туро, вой зи торикийи дил,
Сарв гўянд туро, вой зи кўтах назари.

(Мазмуни: Сени бутун оламдаги нимага ўхшатсам экан: кўнглимга нимаики келса, сен ундан яхшироқсан. Кишилар сени лола деб ҳисоблайдилар. Улар кўнглининг хиралигига вой, сени сарв дейдилар, уларнинг калтафаҳмликларига вой – Ҳ.Ю.).

Шунингдек, Даҳбидий бу асарда сайр ҳодисаси, зикрнинг “латоифи ашара (ўн субстанция)” усулини ҳам батафсил баён қилган.

Инсон борлигига оид асарлар: “Айн ал-маонӣй” عین المعانی – (“Маънолар чашмаси”). Бу асарнинг насталиқ хатида 1267/1850 йилда кўчирилган нусхаси ҳозирги кунда ФА ШИ қўлғзмалар фондида 3995/I рақами остида сақланади. Асар жами 57 варақдан иборат, кўчирувчиси – Қози ибн Қози Муҳаммад Юсуф. “Айн ал-маонӣй” асари беш боб, ўн беш фаслдан таркиб топган. Бу асар ҳам муаллифнинг юқорида тафсифланган бошқа асарлари сингари уларда айтилган фикрларни тўлдириб ва изоҳлаб келади. Асарнинг биринчи боби тасаввуфда тавҳид масаласи борасида, иккинчи боб маориф, учинчи боб муҳаққақот, тўртинчи боб тасаввуфнинг айнан ўзининг тавсифига ҳамда бешинчи боб пир ва мурид одоби масалаларини ёритишга бағишланган.

Асарининг муҳим хусусияти – унда муаллифнинг тавҳид борасида ўзидан аввалги Нақшбандия тариқати вакилларида фарқ қилувчи фикрларининг акс этишида ва инсон танасида ўн нозик субстанция – латоифи ашаранинг ёритилишида (бу ҳақда батафсил зикр бобида тўхталади) кўринади. Тавҳид хусусида сўз борар экан, Даҳбидий шуҳуд билан вужудни мутлақ бир нарса деб санаб, барча мавжудотлар Ҳақ билан

мавжудлигини таъкидлайди. Уларнинг яратилиши Ҳақнинг аҳадиятига далолат қилади. Бу фикр билан мутасаввиф Ибн ал-Арабий илгари сурган “вахдат ал-вужуд” таълимотининг ўзига хос талқинига ишора қилади. Мусохон Даҳбидий: “Ман арафа нафсаҳу фақад арафа Раббаҳу” (яъни: “Кимки нафси(ўзи)ни таниса, Раббини танибди”) ҳадисига мувофиқ тавҳидни инсон танишни ўзидан бошлашига алоҳида урғу беради. Бундан ташқари, асарда маърифат, илми ладуний, асма ал-хусна, нафс ва унинг турлари каби тасаввуфий истилоҳлар ҳақида атрофлича тўхталади, шунингдек, ўз фикрлари баёнида кўпгина тасаввуфий шеърлар келтиради. Машойихлар зикрида Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Суфён Саврий, Шайх Шиблий, Иброҳим Адҳам, Жалолиддин Румий каби мутасаввиф шайхларнинг ҳикматли иборалари ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳикоятларни келтиради.

Маънавий борлиққа оид асарлар: “Зубдат ал-хақоик” – زبدة الحقائق (“Ҳақиқатлар қаймоғи”). Ушбу асар Мусохон Даҳбидий асарлари ичида энг кўп кўчирилгани ва бизгача энг кўп нусхада етиб келганидир. Қўлёзма ФА ШИ қўлёзмалар фон 6576/І рақами остида сақланиб, у 1231/1815 йилда кўчирилган. Асар икки бобдан иборат бўлиб, уларда валийликнинг моҳияти, Нақшбандия машойихларининг силсиласи, муҳаббат, Каъба, Қуръон, намозларнинг мазмуни ва солиқлар билиши лозим бўлган бошқа муҳим маълумотлар берилган.

“Дурар ал-асрор ва санад ал-аброр” – درر الأسرار و سند الأبرار (“Сирлар дурдоналари ва яхшилар таянчи”). Асарнинг икки қўлёзма нусхаси ФА ШИ фондида 1845 ва 10602/І рақамлари остида сақланмоқда.

Асар етти бобдан иборат: биринчи боб – қирқ ҳадиснинг икки хил тўплами ва Нақшбандия силсиласи ҳақида; иккинчи боб – илоҳий илм тўғрисида; учинчи боб – маориф ҳақида; тўртинчи боб – эътиқод ва тавҳид хусусида; бешинчи боб – маърифат хусусида; олтинчи боб – ҳақиқат ҳақида; еттинчи боб – одоб тўғрисида.

Тавсифланаётган мазкур асарда, асосий эътибор аҳли тасаввуф этикетига, яъни ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган. Бундай характердаги асарлар тасаввуф адабиётида кўплаб учрайди. Асар ўз даврининг эҳтиёжига кўра ёзилгандир. Бизнингча, “Дурар ал-асрор ва санад ал-аброр”нинг яратилиш тарихини икки жиҳатдан изоҳлаш мумкин: биринчиси – муаллифнинг ўз издошлари, муридларига тасаввуф этикаси ва умуминсоний қадриятлардан сабоқ берувчи қўлланма сифатида, иккинчиси – муаллифнинг тариқат пешвоси сифатидаги фаолияти шариат, одоб ва ахлоқ нормалари анчагина сусайган бир паллага тўғри келганлигидир. Шу жиҳатдан Даҳбидийнинг ёзганлари ҳам унинг ўз давридаги ҳолатни ҳам акс этади. Яъни ўлкада мустаҳкам ягона ҳукуматнинг барқарор бўлмаганлиги, қозилиқлар жамиятга етарлича таъсир эта олмай қолгани туфайли шариат, одоб ва ахлоқ нормалари анчагина сусайгани учун уларни яна қайта тиклаш муаммоси юзага келган бир паллада дин фақатгина муайян кўрсатмаларга амал қилишига бўлмай, инсонларнинг ўзаро чиройли муомалада

бўлишлари талаб этилишини оммага тарғиб қилиш лозимлиги муаллифни мазкур асарни ёзишга ундаган дейиш мумкин.

Илмий билишга оид асарлар: “Ашраф ал-Холиқ” **أشرف الخالق** – (“Холиқнинг энг шарафли бандаси”). Тасаввуф назариясига оид ушбу асар Мусохон Дахбидий асарлари орасида ҳажм жиҳатидан энг кичиги ҳисобланса-да, тасаввуф назариясига оид жуда муҳим манбадир. Мазкур асар ФА ШИ Қўлёзмалар фондида № 541/XI рақами остида сақланади. Форс тилида. Ҳажми – 14 варақ.

Асарда тариқат аҳлининг ҳақиқат ва маърифат тўғрисидаги сўзларидан, хусусан, Аҳмад Сирҳиндийнинг ҳикматомуз мақолотларидан намуналар берилган. Унда, шунингдек, араб алифбосидаги 28 ҳарфнинг тасаввуф истилоҳи бўйича рамзий маънолари ҳам ифода этилган. Бундан ташқари, барча солиқларнинг билиши зарур бўлган кўпгина масалалар раво ва тушунарли тарзда баён этилган.

Муқаддимадан сўнг муаллиф алифбо ҳарфларидан баъзиларига тасаввуф нуқтаи назаридан таъриф бериб чиқади. Чунончи, тасаввуфнинг эътиборга лойиқ томонларидан бири ҳам айна мавзуга кўплаб асарларда учрайдиган араб алифбоси ҳарфларига илоҳий маъно беришдир. Бу анъананинг асоси жоҳилият адабиётига боғланади. Рисола бир неча бўлимдан иборат: баъзи бўлимлар тил, баъзиси маърифат асрорларини тушунтиришга бағишланади. Асар давр анъанасига мувофиқ Аллоҳга ҳамду сано ва Пайғамбарга дурудду салават билан бошланади. Сўнг муаллиф китобнинг тасниф этилиши ва номланишини қуйидагича таърифлаган: “Бечора муаллиф Муҳаммад Мусо ибн комилу-л-акмал аш-шайх Муҳаммад Исо Нақшбандий айтади: “Бу (яъни “Ашраф ал-Холиқ” – Ҳ.Ю.) бир неча қисм(мақола)лардан иборат бўлиб, баъзиси элатларнинг тил хусусиятларининг шарҳи, бурҳоний, ҳақойиқ ва маъориф, ирода сатри, дақойиқ ва латофатлардан мисоллар мавжуд. Чунки ҳазрат Мужаддиди алфи соний (яъни Аҳмад Сирҳиндий – Ҳ.Ю.), Аллоҳ таоло ул зотдан рози бўлсин, юқорида зикр этилган йўналишларга нисбатан алоҳида ҳусни рағбат ва мойиллик кўрсатар эдилар. Шунингдек, китобда ҳазрат Махдумнинг суҳбатлари ва саодатманд хизматларидан фойдаланиб, уларни ҳам бирга қўшиб, “Ашраф ал-Холиқ” номли китоб туздикки, толиблар ва солиқлар ундан баҳраманд бўлсинлар [деб]. Токи давлат арбоблари ҳам ундан баҳраманд бўлиб, абадий саодатга лойиқ ва:

أولياء الله لا يموتون ولكن ينقلون من دار إلى دار

Маъноси: “Авлиёлар ўлмайдилар, балки бирп жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтадилар” мақомига дохил бўлғайлар”.

“Наводир ал-ма‘ориф” – **نوادير المعارف** (“Маърифат дурдоналари”). Ушбу асар, муаллифнинг ўзи қайд этишича, ҳақиқат ва маърифат соҳасида улуғлардан эшитганлари ва мўътабар китоблардан ўқиганлари асосида тариқат йўлига кирган толиблар учун қўлланма сифатида ёзилган. Дахбидий асар ҳақида: “Шавқ ва завқ арбобларининг ҳидояти учун мўътабар китоблардан тариқат йўли солиқлари баёнида қандай ҳақойиқ

ва маориф (маърифатлар) кулоққа чалинган ёки назарга тушган бўлса, шулардан бир неча сўз таҳририни қайд этдим”, – дейди.

Мазкур асари етти фаслдан иборат бўлиб, уларда, асосан, Нақшбандия хожаларининг силсиласи, Махдуми Аъзам ва бошқа машойихларнинг ибратли фикрлари, “аҳли тариқат”ларнинг намозлари, пирлик ва муридлик моҳияти, Хожагон тариқати машойихларининг қарашларидан намуналар, зикр ва мақомотлар баёни берилган. Муаллиф асар ёзишдан мақсадини қуйидагича баён этади: “... Аммо баъд бу бандаи мискин Муҳаммад Мусо ибни Хожа Исо Даҳбидий дебдур: “Инсон нафси истеъдод ойинасидир. Тарбия қилиш билан ўз камолига етади ва сифатлар зухурини ўзида мушоҳада қилади. Ўз нафсини билиб олади. Нима учун яратилганлигини англайди. Ўшанда “Ман арафа нафсаҳу фақад арафа Раббаҳу” ҳақиқати унга муҳаққак (ошкор) бўлади. Яна, Ўзи (яъни, Аллоҳ. Ҳ.Ю.) ким ва қайси сир учун бунчалик каромат ва фазилатга эга бўлганини билиб олади... Лекин инсон нафси ойина мусаффолигидек мартабага эришгунча жуда кўп ҳалокатли йўлларни босиб ўтмоғи даркор.

“Рисола-йи касир ал-фавоид” – رساله كثير الفوائد (“Кўп манфаатлар рисоласи”). Мусохон Даҳбидийнинг энг муҳим асарларидан бири бўлиб, ФА ШИ қўлёзмалар фондида № 10171/1 рақами остида сақланади. Асарнинг иккинчи номи – “Тазкира-йи Эшон Мусохон”.

Асар уч фаслдан иборат.

Муаллиф асарда баён қилинган мавзулар ҳақида тўхталиб, уларни қуйидагича тавсифлайди: “Мақсадлар мундарижаси (фихристи) ушбудир: биринчи фасл Нақшбандия силсиласининг зикри баёнида. Иккинчи фасл ҳазрати Махдумнинг баланд сулуклари ва нуқталари баёнида. Учинчи фасл Ҳақ субҳонаҳу ва таоло маърифатига эришиш йўли ва муриднинг муродга етиши эҳтиёжи ва шартлари, шайхнинг одоби, мурид ва валий валояти, ҳар хил кароматлар ҳақида».

Биринчи фаслда муаллиф Нақшбандия силсиласини баён қилиш билан бир қаторда тариқатга оид бир қанча масалаларга изоҳлар ҳам келтиради. Жумладан, тасаввуфдаги зикр, таваккул, ризо, тақво каби тушунчаларни Мужаддибия назарияси нуқтаи назаридан асослаб беради.

Шунингдек, Нақшбандия тариқатининг асосини ташкил қилган қуйидаги тушунчаларга Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний томонидан тамал тоши қўйилганлиги ҳам қайд этилади: “... Қуйидаги ушбу саккиз қудсий калималар ҳам ҳазрати Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийга тегишлидир ва ҳазрати Хожағони олийшаънлар тариқасининг биноси (асоси) ушбу шартлардир: биринчи “хуш дар дам” (ҳар нафасда огоҳ бўлиш), иккинчи “назар бар қадам” (қадамни назорат қилиш), учинчи “сафар дар ватан” (ватанда сайр қилиш), тўртинчи “хилват дар анжуман” (анжуманда холи бўлиш), бешинчи “йод кард” (йодда олиш), олтинчи “бозгашт” (қайта ўтиш, такрорлаш), еттинчи “нигоҳ дошт” (нигоҳ солиш), саккизинчи “йоддошт” (йодда тутиш).

Юқоридаги тушунчаларнинг маъноларини байон қилиш билан бир қаторда ушбу тариқатнинг Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асос солинган “вуқуфи замоний”, “вуқуфи қалбий” ва “вуқуфи ададий” ақидаларига ҳам тўхталиб ўтади. Асарнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири – унда келтирилган фикрларнинг илмий далилларга асосланган ҳолда ёритилишидир. Муаллиф ушбу асарини ёритишда машҳур шайхлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳамда уларнинг тасаввуфга доир фикр ва мулоҳазаларидан самарали фойдаланади. Асардан ўрин олган ҳар бир фикрни Даҳбидий Қуръони карим, ҳадиси шариф ва машҳур сўфий шайхлар томонидан изоҳланган далиллар йордамида исботлашга ҳаракат қилади. Ундаги ҳамма ибора тасаввуф доирасидан чиқмаган ҳолда ёритилади.

Даҳбидий асарларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, улар бир-бирини тўлдириб келади. Янада соддароқ қилиб айтганда, “Зубдат ал-нақоик” асари “Рисолайи касир ал-фавоид” нинг тўлдирилган шаклидир. Мавзулар мундарижаси дейарли ўзгармаган. Афтидан, муаллифнинг ўзи кейинроқ бу асарни қайта ишлашни маъқул топган ёки ундан нусха кўчиришда баъзи тузатишлар киритилган. Шунинг учун ушбу тадқиқотда мазкур асарларнинг ҳар бири алоҳида манба қилиб олинди.

“Мухтасар дар тасаввуф” – مختصر در تصوف (“Тасаввуфнинг қисқача баёни”). Мазкур асар 6132/VI рақами остида ЎЗР ФА ШИ фондида сақланади. Асар ҳажми кичик – 19 варақдан иборат. Асар бошида Нақшбандия тариқатининг бошқа жаҳр ва самога асосланган тариқатлардан афзаллиги, бу тариқатнинг ҳар томонлама Муҳаммад (а.с.)нинг шариатларига мувофиқ келиши, тариқат силсиласининг ниҳояси пайғамбарлардан кейин инсонларнинг энг улуғи Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалгани каби қатор хусусиятларига кўра солиқ учун ушбу тариқатда юришнинг қулайликлари ва афзал томонлари қайд этилади. Сўнгра Шайх Муҳаммад Обиддан Абу Бакр Сиддиққача Нақшбандия силсиласи келтирилади.

Асарда, шунингдек, тариқат йўлига кирган сўфий эгаллаши керак бўлган сифатлар, ҳафий зикрнинг жаҳрдан афзаллиги, ҳолатда, зикрда, амалда солиқнинг Расулуллоҳга ўхшашга интилиши кераклиги ҳамда китоб охирида рўза, ҳаж каби ислом арконларининг ҳақиқати умумий тарзда баён қилиб берилади. Ушбу асар тугалланмаган ёхуд котиб томонидан тўлиқ кўчирилмаган. Умуман олганда, ушбу асарни ўқувчига тасаввуф ҳақида қисқа ва умумий тушунча бериш учун мўлжалланган, деб баҳолаш ўринли бўлади. Рисоланинг номи шу боис мажозий тарзда “Мухтасар дар тасаввуф” деб номланган.

“Махзан ат-таарруф” – مخزن التعارف (“Маърифатли бўлиш хазинаси”). Ушбу асар ҳам ўзининг илмийлиги ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Муаллиф ўзидан олдин ўтган муршидларнинг тасаввуф йўналишидаги асарларидан олган таассуротлари ва бу борада ўз фикрларини ифода этиш учун ушбу китобни йозиб, унга “Махзан ат-таарруф” ном берган. Асарда, асосан, диний-тасаввуфий масалалар: тариқат, маърифат, ҳақиқат, тавҳид фарзлари каби тушунчалар илмий асосланади.

Бундан ташқари, ҳар бир мусулмон учун фарз бўлган намоз амаллари ҳамда қибла, таҳорат каби мавзулар юзасидан тасаввуф нуқтаи назаридан қимматли фикрлар айтилган. Асарнинг ягона нусхаси айти пайтда ФА ШИ қўлёзмалар фондида №541/Х рақами остида сақланади. Мазкур қўлёзма нусха 96 варақдан иборат бўлиб, 1267/1850 йилда кўчирилган.

Тадқиқот жараёнида Мусохон Даҳбидий асарлари услуби ва қўйилган масалаларни йоритилиш усулларига кўра, илмий жиҳатдан таҳлил қилинди ҳамда мазмун ва моҳиятига қараб, асарларда қуйидаги масалаларга асосий эътибор қаратилгани аниқланди:

1. Хожагон-Нақшбандия-Мужаддия силсиласи тарихини ёритиш;
2. Тасаввуфий истилоҳлар шарҳи;
3. Тавҳид ва зикр масаласи;
4. Пир-мурид ва шайх-мурид муносабатларига доир масалалар;
5. Муридлар (толиби сулуклар) учун ёзилган қўлланмалар.

Даҳбидийнинг йирик асарларида кўплаб бир-бирига ўхшаш жиҳатлар учрайди. Унинг ушбу асарининг таркибий қисми ёки мундарижаси “Наводир ал-маориф” ва “Зубдат ал-ҳақоик” асарлари билан деярли бир хил. Ҳар учаласида ҳам Нақшбандия силсиласи батафсил келтирилади, сўнг Хожагон тариқатининг асосчиси Абдуҳолик Ғиждувонийнинг ҳаёти, ҳуфя зикрнинг афзалликлари ҳақидаги мулоҳазалар, Маҳдуми Аъзам ва бошқа шайхларнинг ҳикматли сўзлари келтирилади. Бундан қуйидаги тахминий ҳулосага келиш мумкин:

биринчидан, Мусохон Даҳбидий асарлари унинг турли шогирдлари ёки котиблари томонидан бевосита дарс ёки маърузалар асносида ёзиб олинган ва кейинчалик тўплам ҳолига келтирилган;

иккинчидан, Даҳбидий ўз асарларини муайян шахсга қўлланма сифатида ёзган. Дейлик, тариқатларда мақомот манзилларига алоҳида аҳамият берилади. Солик ҳар бир мақомотни пир кўмаги билан босиб ўтганидан кейин “ноль” мақомига етган ва Аллоҳ жамолини мушоҳада қила олган. Шунга ўхшаш Мусохон Даҳбидий ҳам ўз шогирдларини тарбия қилишда уларнинг тариқат йўлидаги даражаларини кузатиб борган ва мунтазам йўл-йўриқлар кўрсатган. Бунга ўхшаш масалалар туфайли ҳам муаллиф асарларида соликлар учун зарур бўлган кўплаб масаларни такрорлашига тўғри келган.

Бундан ташқари, Даҳбидий ўз асарларида Хожагон-Нақшбандия тариқати қонун-қоидаларига, ўзидан олдинги тариқат вакиллариининг тажрибаларига кўп мурожаат қилади ва бу билан Мужаддиянинг асосини Хожагон-Нақшбандия ташкил этишини таъкидлайди. Гарчи тасаввуфшунос олим Н.Комилов қайд этганидек, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг XV асрдан кейинги вакиллари илгари тўпланган тажрибаларни ўзлаштириш, шарҳу тафсир қилиш ва тарғиб этиш билан шуғулланган

бўлса-да, Даҳбидий асарларида уларни “жонлантириш”, ўз қарашлари билан бойитиш ва Мужаддиия назарияси билан солиштириб синтез қилиш кўзга ташланади.

Мусохон Даҳбидий Нақшбандия-Мужаддиия сулукининг назарий ривожига катта ҳисса қўшди, асарларида тариқат таълимотини Қуръон ва сунна асосида қайта ишлаб чиқди, уни исломга ёт бўлган ақида ва ғоялардан тозалади. Нақшбандия тариқати XIV асрда Мовароуннаҳрда ташкил топиб, XV асрда шу маконда гуркираб ривожланган бўлса-да, лекин XVII асрнинг иккинчи йармидан бошлаб, унинг маркази Ҳиндистон диёрига кўчган эди. Мусохон Даҳбидий бу тариқатни ўз ватани – Мовароуннаҳрга қайтариб олиб келди ва ривожлантирди. Мусохон Даҳбидий фаолиятининг муҳим жиҳати ҳам айнан шунда намоён бўлади.

Иккинчидан, Мусохон Даҳбидийнинг фаолиятида сийосий доиралар билан алоқалар сезиларли даражада кўзга ташланмаса-да, унинг шогирдларига Шаҳрисабз, Ўратепа, Фарғона ҳокимлари, Бухоро амири каби амалдорлар мурид бўлганлар. Бу ўз-ўзидан Нақшбандия тариқати намояндаларининг таъсир ҳудуди юқори сиёсий доираларни ҳам қамраб олганидан далолат беради.

Учинчидан, Даҳбидийнинг шогирдлари Нақшбандия-Мужаддиия таълимотига амал қилиш билан бирга уни ўзларининг рационал фикрлари билан бойитганлар, бошқача айтганда, унинг тарихий анъаналарини қайта тиклаб борганлар. Халифа Сиддиқнинг зикрда Қур’он тиловати ва турли илмлар таҳсили билан машғул бўлишни жорий қилиши бу фикрни тасдиқлайди.

Тўртинчидан, Даҳбидийнинг ўзи зикр борасида ҳафий усулни қаттиқ ҳимоя қилганига қарамай, унинг шогирдлари орасида Нақшбандиянинг баъзи вакиллари каби жаҳр усулига мурожаат қилгувчилар ҳам бўлган.

Бешинчидан, тасаввуф вакиллари орасида бир пайтнинг ўзида бир неча тариқатга мансуб бўлишлик ҳолати кўп учраган ва пирлик даражасига етгач, бир неча сулукка раҳбарлик қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлган.

Олтинчидан, Мусохон Даҳбидий каби унинг издошларининг ҳам иршод доираси деярли бутун Мовароуннаҳрни қамраб олган. Даҳбидийнинг халифалари этник ва географик жиҳатдан жуда кенг ҳудуд: Ҳиндистон, Кашмир, Афғонистон, Қашқар каби мамлакатлар ва Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Наманган каби масканлари бўйлаб тарқалганини кўриш мумкин. Бу эса Мусохон Даҳбидий шахси таъсир доирасининг нақадар кенг бўлгани ва унинг назарий қарашлари натижаси ўлароқ Нақшбандия-Мужаддиия тариқати узоқ-узоқ мусулмон ўлкаларигача етиб борганидан далолат беради. Нақшбандия тариқатига хос хусусиятлардан бири ҳам унинг муайян бир минтақага боғланиб қолмай, балки бутун мусулмон диёри бўйлаб кенг тарқалиб кетганлигидадир.

Адабиётлар:

1. Наврўзова Г. Хожа Баҳоуддин Накшбанд ҳаёти ва маънавий мероси.— Тошкент: Фан, 2021. – Б. 41.
2. Хисматуллин А.А. Суфийская ритуальная практика (на примере братства Накшбандия). – С-Пб.: Петербургское Востоковедение, 1996. – С. 44.
3. Paul Ju. Doctrine and Organization. The Khwajagan/Naqshbandiya in the first generation after Baha’ad-din. Anor-1. – Halle-Berlin, 1998. – P. 20-26.
4. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. – Б.24.
5. Мир Муҳаммад Сиддиқ. Таржимайи ҳоли Мусохон. – Тошкент: ФА ШИ, Қўлёзма, инв. № 2663/I.
6. Собрание Восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР. Т.III / Под редакцией А.А.Семенова. – Т.: Академия Наук УзССР, 1955. – С. 550.
7. Аннемари Шиммель. Мир исламского мистицизма / Перевод с английского Н.И.Пригариной, А.С.Раппопорт. Издание 2-е. – М.: Алейта, 2000. – 131 б.
8. Мир Муҳаммад Сиддиқ. Маноқиби шайх Мусохон ибн Исохожа. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар асосий фонди, инв. № 2663/IV.
9. Жумақули Ургутий (Хумулий). Тарихи-и Хумулий. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар асосий фонди, инв. № 37/VI .
10. Бабаджанов Б. Политическая деятельность шайхов Накшбандийа в Мавара’ан-нахре (1-я пол. XVI в.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1996. – 23 с.